XALQ DEPUTATLARI DAVLATOBOD TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2023 - yil 11 - yanvar VI-29-1-6-219-K/23 Davlatobod tumani hokimligi

Давлатобод туманида аҳоли сони кўп бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарорига асосан, “Гулшан”, “Орзу”, “Тўқувчи”, “Юқори Ғирвон”, “Порлоқ”, “Боғ”, “Шишаки”, “Қуйи Ровустон” ва “Ўрта Ровустон” маҳалла фуқаролар йиғинлари Кенгашларининг йиғилиш баёнлари ва илтимосномаларига асосан, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Г.Джўрабаеванинг хати ҳамда маҳаллаларни бўлиш бўйича таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари ва маҳаллани иккига бўлиш бўйича таклифларидан келиб чиқиб, Давлатобод тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Г.Джўрабаеванинг хати асос учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 8-бандига асосан, тумандаги “Гулшан”, “Орзу”, “Тўқувчи”, “Юқори Ғирвон”, “Порлоқ”, “Боғ”, “Шишаки”, “Қуйи Ровустон” ва “Ўрта Ровустон” маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлиш бўйича таклифлари маъқулансин.

3. Наманган шаҳар географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия хулосасига асосан, фаолият кўрсатаётган “Гулшан” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Машъал”** маҳалла фуқаролар йиғини, “Орзу” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Янги боғ”**, “Тўқувчи” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Парвоз”**, “Юқори Ғирвон” фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Ғирвонбулоқ”**, “Порлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз, таркибидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Туркистон”**, “Қуйи Ровустон” ва “Ўрта Ровустон” маҳалла фуқаролар йиғинлари номи аслича ўзгаришсиз, таркибларидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Нурафшонбоғ”** ҳамда “Боғ”, “Шишаки” ва “Юқори Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғини номи аслича ўзгаришсиз ва уларнинг таркибидан ажраб чиқаётган янги маҳаллага **“Янги Ғирвон”** маҳалла фуқаролар йиғини номлари бериш таклифи маъқуллансин.

4. Янги ташкил этилаётган “Машъал” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 1-2-иловаларга;

“Янги боғ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 3-4-иловаларга;

“Парвоз” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 5-6-иловаларга;

“Ғирвонбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 7-8-иловаларга;

“Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 9-10-иловаларга;

“Нурафшонбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 11-12-иловаларга;

“Янги Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий чизмаси ва тавсифи 13-14-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Э.Маматқулов), туман молия бўлими (Ў.Юнусов) бир хафта муддатда янги ташкил этилаётган “Машъал”, “Янги боғ”, “Парвоз”, “Ғирвонбулоқ”, “Туркистон”, “Нурафшонбоғ” ва “Янги

Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда тегишли штат бирликларини ажратиш ва уларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, зарур моддий-техника ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ таклифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (Г.Джўрабаева)га:

“Давлат хизматлари маркази” ва туман ички ишлар бўлими билан биргаликда янги ташкил этилаётган “Машъал”, “Янги боғ”, “Парвоз”, “Ғирвонбулоқ”, “Туркистон”, “Нурафшонбоғ” ва “Янги Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғинларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш, мухр ва штампларини тайёрлаб бериш;

Қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) билан биргаликда янги ташкил этилаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш ишларини ташкил қилиш;

тижорат банклари билан биргаликда “Машъал”, “Янги боғ”, “Парвоз”, “Ғирвонбулоқ”, “Туркистон”, “Нурафшонбоғ” ва “Янги Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғинлари учун тегишли ҳисоб рақамлар очилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (М.Неъматов), Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (Г.Джўрабаева), қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев)ларга бир ой муддатда янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларига фаолияти учун белгиланган тартибида жой ажратиш юзасидан таклиф киритиш вазифаси топширилсин.

8. Туман ички ишлар бўлими (А.Хўжахонов)га:

туман ҳудудидаги чегара ҳудудлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи фуқароларни қайта рўйхатга қўйишда янги номлар билан ёзилишини назоратга олиш;

ташкил этилаётган “Машъал”, “Янги боғ”, “Парвоз”, “Ғирвонбулоқ”, “Туркистон”, “Нурафшонбоғ” ва “Янги Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғинларига профилактика инспекторлари штатлар бирлиги таклифини киритиш ва маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктириш;

зарур ҳолларда, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифалари топширилсин.

9. Туман статистика бўлими (О.Жаббаров), кадастр агентлиги туман бўлими (М.Исоқжанов), қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларини рўйхатдан ўтказилишини, аҳоли пунктларининг статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширилишини таъминласинлар.

10. Давлатобод туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (О.Нарзуллаев) мазкур Кенгаш қарорини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Давлатобод туман Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Таджимирзаев**

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
1-ilova

Наманган шаҳар Давлатобод тумани янги ташкил топаётган

“Машъал” МФЙ ҳудудини ҳаритаси



МФЙ нинг умумий ер майдони: _____ га
Ҳонадон сони _____
Аҳоли сони _____
Нотурар обектлар номи _____
Кўп қаватли уйлар сони _____

-Ҳудуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

-Бўлиниши режалаштирилган МФЙ Чегараси


Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
2-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Машъал” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

ТАВСИФИ

Давлатобод тумани “Анорзор” кўчасида жойлашган Фура автомашиналари тураргоҳи олдидан бошланиб (шимолий кенглик координаталари - 41°00'54.03", 71°35'24.23" жанубдан ғарбга Кавсар ошхонаси олдигача 1546.27 м масофада. Анорзор ва Бадавлат кўчалари кесишмасидан, жанубдан шимолга (шимолий кенглик координаталари - 41°01'16.53", 71°34'34.14" 316.99 м масофада. Бадавлат кўчаси бўйлаб, Шимоли-шарқ (кенглик координаталари - 41°01'33.89", 71°35'24.23" 1053.35 м масофада Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби олдигача. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби олдидан жанубга (жанубий кенглик координаталари - 41°00'54.03", 71°35'24.23" Фура автомашиналари тураргоҳигача 1465.82 м масофалар оралиғида жойлашган.

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
3-ilova



Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
4-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Янги боғ” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

ТАВСИФИ


Давлатобод тумани “Тадбиркор” кўчасида жойлашган “IMRON TEXTIL” МЧЖ олдидан бошланиб (шимолий кенглик координаталари - 41°01'23.92", 71°33'51.98" Жануб узунлик координаталари 41°01'04,69"-71°34'54.26") шимолга 1617,22 метргача “Тадбиркор” ва “Чаманзор” кўчалари кесишмасидан жанубга (41°01'04,69"-71°34'54.26") 2721,22 м масофада жанубдан ғарбга (40°59'47,80"-71°35'01.33") “И.Каримов” кўчасидаги NBU банк яқинидан Жанубдан Ғарбга 610 м масофада Ғарбдан Шимолга Президент мактаби чорраҳасидан Орзу кўчаси бўйлаб (40°59'50,74"-71°34'37.73") 3708.22 м масофаларда жойлашган.

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
5-ilova

Наманган шаҳар Давлатобод тумани янги ташкил топаётган

“Парвоз” МФЙ ҳудудини ҳаритаси

Ситуацион жойлашув схемаси



МФЙ нинг умумий ер майдони: _____ га
Ҳонадон сони _____
Аҳоли сони _____
Нотурар обектлар номи _____
Кўп қаватли уйлар сони _____

-Ҳудуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

-Бўлиниши режалаштирилган МФЙ Чегараси

ЧЕГАРАДОШ МФЙЛАР БИЛАН КЕЛИШИЛДИ

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
6-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Парвоз” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

Т А В С И Ф И

Давлатобод тумани “Дўстликшох” кўчасида жойлашган “Navbahor” футбол ўйингохи олдидан бошланиб (шимолий кенглик координаталари - 41°01'23.92", 71°33'51.98" Ғарб узунлик координаталари 41°01'04,69"-71°34'53.39") ғарбга 1203,29 метргача Аэропорт йўли кесишмасидан жануби-ғарбга (жануби-ғарбий координаталари 40°59'06,93"-71°34'32.15") Наманган халқаро аэропортигача 1376,88 м масофада. Наманган халқаро аэропортидан ғарбга (40°59'23,32"-71°32'14.84") қўниш йўлаги сўнгигача 3450.89 м масофада. Юқоридаги (40°59'23,32"-71°32'14.84") координатасидан, жануби-шарққа (40°58'39,63"-71°34'36.45") 3761.32 м масофада. Жанубдан шарққа (40°59'34,22"-71°35'55.66") 2929.19 м масофада Тўрақўрғон кўчаси кесишмасигача. Тўрақўрғон кўчаси бўйлаб, жанубдан шимоли-шарққа (шарқий кенглик координаталари - 40°59'47.78", 71°35'51.95" 509.45 м масофаларда жойлашган.

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
7-ilova



Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
8-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Ғирвонбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси


Т А В С И Ф И

Давлатобод тумани Ғалаба кўчасида жойлашган Динамо ўйингоҳи олдидан бошланиб, Дўстлик кўчалари кўприги кесишмасида (шимоли-ғарқий кенглик координаталари - 40°00'00.77", 71°36'50.63" 1.31 м масофада жойлашган. Дўстлик кўчалари кўприги кесишмасидан Шимолга Қўқумбой кўчаси бўйлаб, (шимоли-ғарқий кенглик координаталари - 41°00'40.28", 71°36'11.76" 1.63 м масофада жойлашган.АГКС метан газ автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси ёнидан, Шимоли шарққа Ахсикент Барака нонлари дўкони бўйлаб, 3-Ибн сино кўчаси оралиғи 140 м масофада. 2-Ибн сино кўчаси бўйлаб, Шимоли шарққа (шарқий кенглик координаталари -41°01'02.32", 71°36'16.33" 2.03 м масофада жойлашган. Сникерс дўкони олдидан жануби-шарққа Дўстлик кўчаси кесишмаси билан Афсона Юсуфхон ўғли Қосимхон жоме масжидигача 2.47 м масофаларда жойлашган.

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
9-ilova

Наманган шаҳар Давлатобод тумани янги ташкил топаётган

“Туркистон” МФЙ ҳудудини ҳаритаси



-Ҳудуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

-Бўлиниши режалаштирилган МФЙ Чегараси

МФЙ нинг умумий ер майдони: _____ га
Ҳонадон сони _____
Аҳоли сони _____
Нотурар обектлар номи _____
Кўп қаватли уйлар сони _____

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
10-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

ТАВСИФИ

Давлатобод тумани “Қўқимбойшоҳ кўча” кўчасида жойлашган Газ қуйиш шаҳобчаси олдидан бошланиб (Шимолий кенглик координаталари - 41°00'33.74", 71°35'25.07" Жанубий узунлик координаталари 41°00'31,60"-71°35'30.15") Жанубга 147,56 метргача “ Қўқимбойшоҳ кўча” ва “Тинчлик” кўчалари кесишмасидан жанубга (41°00'21,32"-71°35'51.91") 766,23 м масофада жанубдан ғарбга (40°59'47,80"-71°35'01.33") “Тинчлик ” кўчасидаги Велотрек яқинигача Шимолдан Жанубга. Шимолдан Жанубга Велотрек яқинидан И.Каримов кўчаси кесишмасигача (41°00'01,87"-71°36'14.15") 1658.81 м масофаларда жойлашган.


И.Каримов кўчаси бўйлаб, Теннисни корд ёнидан Шарқдан Жанубий Ғарбга (40°59'36,34"-71°35'43.75") 1051.45 м масофаларда жойлашган.

И.Каримов ва Спортчилар кўчалари кесишмаси Навбаҳор стадиони олдидан Қўқимбой шоҳ кўчасигача Жанубдан Шимолий шарқгача (41°00'33,04"-71°35'27.96") 1857.55 м масофалар оралиғида жойлашган.

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
11-ilova

Наманган шаҳар Давлатобод тумани янги ташкил топаётган

“Нурафшон Боғ” МФЙ ҳудудини харитаси



МФЙ нинг умумий ер майдони: _____ га
Ҳонадон сони _____
Аҳоли сони _____
Нотурар обектлар номи _____
Кўп қаватли уйлар сони _____

Узун қишлоқ ҳудуди

-Ҳудуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

-Бўлиниши режалаштирилган МФЙ Чегараси


Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
12-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Нурафшонбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

Т А В С И Ф И

Давлатобод тумани “Янгийўл” ва “Анорзор” кўчалари кесишмасидан бошланиб Шарқдан Жанубий Гарбга сида жойлашган (Жанубий кенглик координаталари - 40°57'59.73", 71°37'07.95" Жанубий узунлик координаталари Жанубий Гарб узунлик координаталари 40°57'34,14"-71°35'41.84") Жанубий Гарбга 2384,48 м Жанубий Гарб узунлик координаталари 40°57'34,14"-71°35'41.84" дан Шимолий Ғарб узунлик координаталари 40°57'47,55"-71°35'19.38" 901.88 м масофада. Ғарбдан шимоли шарқга (Шимолийшарқ кенглик координаталари - 40°58'12.74", 71°35'51.78") Узун қишлоқ ҳудудий чегараси бўйлаб 1377.81 м масофада. Шимолдан Жанубий шарқга (Жанубий шарқ кенглик координаталари - 40°57'59.73", 71°37'07.95") Обод 2 кўчаси бўйлаб 3303.74 м масофаларда жойлашган.

Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
13-ilova



Xalq deputatlari Davlatobod tuman
Kengashining
2023 yil 11 yanvardagi
VI-29-1-6-219-K/23-son qaroriga
14-ilova

Давлатобод тумандаги янги ташкил этилаётган “Янги Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғини чегара чизмаси

Т А В С И Ф И

Давлатобод тумани Шимолий айланма йўл жойлашган Метан газ сарбон олдидан бошланиб (шимоли-шарқий кенглик координаталари - 40°58'05.25", 71°38'02.87" Ғарбдан шимоли шарққа 3-Ибн сино кўчаси оралиғи 140 м масофада. 2-Ибн сино кўчаси бўйлаб, Шимоли шарққа (шимолий кенглик координаталари - 40°58'15.56", 71°38'02.77" 770 м масофада. Ёшлик кўчаси бўйлаб, шарққа (шарқий кенглик координаталари - 40°58'30.30", 71°38'04.39" 910 м масофада жойлашган. Янгиобод кўчаси бўйлаб, жанубишаққа 1.12 м масофада Ностегирмон кўчалари кесишмасида жойлашган. Янгиобод ҳамда Шимолий айланма йўл кўчалари кесишмасида шарқий кенглик координаталари - 40°58'00.60", 71°38'24.96" 320 м масофада жойлашган. Шимолий айланма йўл кўчаси бўйлаб, Ғарбга (ғарбий кенглик координаталари - 40°58'01.17", 71°38'11.55" 970 м масофада жойлашган.